

**ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ**

# **ВАСИЯТНОМА**

**ТОШКЕНТ**

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1993**

Ушбу рисола Гиждувон тумани  
ҳокимлигининг ташаббуси билан  
нашр қилинди.

Масъул муҳаррир  
Хуршид ДАВРОН



Дилшод ҚИЛИЧнинг "Турондод" корхонаси

Гиждувоний, Хожа Абдулхолиқ.  
Васиятнома //Масъул муҳаррир:  
Хуршид Даврон/.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1993.-16 б.

Бутун дунёда жунайдия, қодирия, мавлавия, нақшбандия, кубравия, чиштия, сухравардия тариқати маълум. Аммо, тариқатларнинг энг машҳури ва мўътабари нақшбандиядир. Мазкур тариқатга Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний асос солган.

Ҳурматли китобхон, ушбу рисола Сизни бутун шарқ оламининг ифтихори бўлмиш буюк бобокалонимиз Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний таълимоти билан таништириб, нақшбандия тариқатига ошна қилади, деган умиддамиз.

Гиждувоний Х.А.  
Завещание

295

F  $\frac{4702620100-70}{M 352(04)-93}$  қатъий буюртма, 93

ISBN 5-635-01362-7

© Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний,  
1993 й.

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ қуддиса сир-риҳу — Хожани Жаҳон, Хожа Абдулхолиқ номи билан бутун дунёга машҳур. Отаси Хожа Абдулжамил Румий Раҳматуллоҳи Алай имом номи билан машҳур бўлиб, масжидда имомлик қилган. Имоми Молик авлодидан. Румлик. Рум подшоҳлари авлодига ҳам мансублиги бор. Ул зот ўз замонасининг алломаси — зоҳирий ва ботиний илмларнинг олими. Хизр алайҳиссаломга суҳбатдош бўлган. Зоти шарифнинг тушига Хизр алайҳиссалом кириб, Бухорои шарифга сафар қилиши, Ғиждувонда нашъу намо топиб, фарзанд кўриши ва туғилажак фарзанднинг муборак исмини Абдулхолиқ қўйишини башорат қилган.

Хожа Абдулжамил Румий розияллоҳу анҳу Румдан карвон билан Бухорои шарифга йўл олган. Ва, тушда аён бўлганидек, Ғиждувонда нашъу намо топиб, 1103 йилда фарзанд кўриб, исмини Абдулхолиқ қўйган.

Хожа Абдулхолиқ узун бўйли, катта бошли, қалин қошли, буғдой рангли, гўзал юзли улуғ зот бўлган.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний диний оилада, исломий тасаввур ва урф-одатлар қуршовида униб ўсган. Хизр алайҳиссаломнинг савоба фарзанди ҳисобланган. Тўққиз ёшида Қуръони каримни ёд олган, ўн ёшдан бошлаб дарвишларнинг зикр тушишларида фаол иштирок этган.

Илк устози — ўз замонасининг машҳур билимдонни, тафсир илмининг султони Имом Садриддин аталмиш улуғ зот билан Бухорои шарифда учрашиб, тафсир илмини мукаммал ўрганган. Ва тафсир ўқиб: "Удью раббаҳум тазарруван ва хуфятан ийнаҳу ло исҳиббу-л- муътадийн", (Аъроф, 55-оят. "Дуо қилинганлар парвардигорларингизга ёлвориб-яшириб, албатта у ҳаддин ошгувчиларни дўст тутмас") оятга етади. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ушбу оят мазмунига мувофиқ устозидан:

— Бу хуфиянинг ҳақиқати ва йўли қандай бўлади? — деб сўрайди.

Устоз Имом Садриддин:

— Агар зикр айтувчи баланд овоз билан ўқиса ё зикр қилаётган вақтда бирор аъзосини қимирлатса, ўзгалар бундан хабар топадилар. "Аш шайтону яжри фи ибни Одама мажра-д-дами", ҳадисига кўра, шайтон ҳам ундан огоҳ бўлади. Бунинг моҳиятини тўла англаб етиш мушкул. Бу — илми Ладуний — илоҳий илмдир. Агар Ҳақ субҳанаҳу ва таоло сизни бундан воқиф қилишни хоҳласа, албатта сизнинг олдингизга аҳлуллоҳ (ўз одамлари)дан бирини юборади ва у сизга таълим беради, — деб жавоб айтади.

Ладуний илми ҳақида "Ғиёсул луғот"да шундай хабар бор: "Аллоҳ таоло томонидан ато қилинган илм. Ундай илмга уриниш, саъй-ҳаракат, риёзат чекиш натижасида, Аллоҳ таоло хоҳласа, эришиш мумкин. Чунки бу Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларгагина насиб қилувчи илоҳий илмдир.

Ладуний илм учга бўлинади: ваҳий, илҳом, фаросат. Ваҳий — пайғамбарларга, илҳом — авлиёларга, фаросат — сўфийларга Аллоҳнинг изни билан берилади.

Имом Садриддин билан бўлган суҳбатдан бир неча муддат ўтгандан сўнг Хизр алайҳиссалом келиб, Абдулхолиқ Ғиждувонийга хуфия зикрдан таълим берадилар ва фарзандликка қабул қиладилар.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний бутун ҳаётини Аллоҳ йўлига бағишлаб, фарз ва суннат амалларини бажариш каби улуғ ибодатда шуҳрат топди. Йигирма икки ёшида, Бухорои шарифда баланд мақом, бутун шарқ оламида номи машҳур шайх Абу Ёқуб Юсуф Ҳамадоний билан учрашади. Ва тез орада машҳур шайхнинг муридига айланади. Хожа Юсуф Ҳамадоний Абдулхолиқ қалбида Аллоҳ зикри борлигини билиб, сўфийлар жамоасига олиб киради.

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тариқатлари — ЗИКРИ АЛОНИЙ — ошкора зикр эди.

Кунлардан бир куни Хожа Абдулхолиқ Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратларига Хизр алайҳиссаломдан зикри хуфия — махфий зикр сабоғини олганлигини изҳор қила-

ди. Шунда Юсуф Ҳамадоний: "Бир важеким алардин маъмур бўлибсиз, машғул бўлинг", деб фатво беради.

Юсуф Ҳамадоний Абдулхолиқ Гиждувонийга сўфийлик хирққасини кийгизган. Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Гиждувоний Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдлари ҳисобланадилар.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний устози Хожа Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кетгунга қадар у улуғ зотнинг хизмат-мулозаматларида бўлиб, кўп илм ўрганади. Узини ибодату риёзатга машғул тутиб, бутун ҳаёти давомида "Рисолаи соҳибия", "Рисолаи шайхушшууюх Ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний", "Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний", "Аз гуфтар Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний" каби беш буюк асар битади.

Хожа Абдулхолиқ устозининг таълимотини ҳар томонлама бойитиб, амалиётга зикри хуфияни олиб кирди. Ва, хожагонлик тариқатининг саккиз рашҳа-қонун-қондасини шакллантириб берди.

\* \* \*

Биринчи рашҳа — ХУШ ДАР ДАМ — нчдан чиқаятган ҳар бир нафас огоҳлик ва ҳузур юзасидан бўлиши, гафлат унга ҳеч йўл топмаслиги керак.

Ҳазрат Мавлоно Саъдудин Кошғарий розияллоҳу анҳу айтадики, хуш дар дам — бир нафасдан иккинчи нафасга ўтиш гофиллик юзасидан бўлмай, ҳузур юзасидан бўлсин ва олинаётган ҳар бир нафас Ҳақ субҳонаҳу ва таолодин холи ва гофил бўлмасин. Ҳазрат Хожа Баҳсуддин шундай таъкидлайди, бу йўлда ишнинг асосини нафас устига қурмоқ керакки, замоннинг муҳим вазифасига машғул бўлишда ҳаёлни ўтмишдан ва фикрни келажакдан озод этсин ва ҳар бир нафасни зое этмасликка уринсин. Нафас гафлат билан кириб чиқмасин.

Рубоий:

Эй монда зи баҳри илм баҳр соҳили айн,  
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.  
Бардор сафойи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ ба баҳр бош байн ун-нафасайн.

## Таржимаси:

Эй, илм денгизига кирмай, булоқ соҳилида қолган киши,  
Денгизда фароғат бор, соҳилда эса бахтсизлик.  
Дунёнинг мавжланишига хуш назар билан боқма,  
Ҳар икки нафас ўртасида денгиздан огоҳ бўл.

Иккинчи рашҳа — НАЗАР БАР ҚАДАМ — назар доим оёқда бўлиши керак. Токи, солиқнинг назари сочилмасин ва нолозим жойга тушмасин.

## Маснавий:

Кам зада беҳамдамийи хуш дар дам,  
Дар нагзашта назараш аз қадам.  
Баски, зи худ карда ба суръат сафар,  
Боз намонда қадамаш аз назар.

## Таржимаси:

Хушёрликсиз бирор нафас ҳам олмаган,  
Назари қадамидан ўзга ерда бўлмаган,  
У ўзлigidан суръат билан сафарга кетган,  
Ҳар бир қадами назаридан холи бўлмаган.

Учинчи рашҳа — САФАР ДАР. ВАТАН — солиқ одамийликнинг табиатида сафар қилади, яъни — одамийлик сифатидан фаришта сифатига ўтади, ёмонлик сифатидан яхшилик сифати томон кўчади.

Тариқат шайхларининг фикри ва аҳволлари сафар ёки муқимлик борасида турлича бўлган. Улардан баъзилари ибтидода сафар қилишади ва интиҳода муқим туришади. Баъзилари эса ибтидода муқим бўлиб, интиҳода сафар қиладилар. Баъзилари ибтидода ҳам, интиҳода ҳам сафар қилмайдилар. Айримлари эса ибтидода ҳам, интиҳода ҳам сафар қилаверадилар.

Хожагонларнинг аъмоллари сафар ва муқимликда шундайки, ибтидода улар сафар қилиб, бирор аъённинг хизматида ва унинг хузурида муқим турадилар. Аммо ўз юртиларида шундай бир аъённи топсалар, тарки сафар қилиб, унинг хизмат-мулозаматида бўлишади ва огоҳлик малакасига эришишда астойдил ҳаракат қиладилар. Малака ҳосил қилганларида эса уларга сафару муқимлик баробар бўлиб қолади.

. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор айтганки, ибтидода сафар қилувчига паришонликдан ўзга фойда йўқ. Солик бир азизнинг суҳбатига етишдимми, демак — чидам фазилатини ҳосил этиши, хожагонларнинг нисбат малакасини қўлга киритиши ва шундан сўнг истаган ерга бориши мумкин:

### Рубой:

Ё раб, чи хуш аст бедаҳан хандидан,  
Бевоситайи чашм жаҳонро дидан.  
Бинишин, сафар кун, ки бағоят хўб аст,  
Беаҳмати ногирди жаҳон гардидан.

### Таржимаси:

Ё раб, оғиз бўлатуриб, оғизсиз кулмоқ,  
Кўзсиз бутун жаҳонни кўриб турмоқ нақадар соз.  
Ўтирган кўйи жаҳонни кезмоқ  
Оёққа заҳмат етказмай, сафар қилмоқ нақадар соз.

Бу борада мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг "Шиққат улламъ-аст" рисоласида янаям ибратли бир байт бор:

Ойнаи суврат аз сафар дур аст,  
К-он назиройи суврат аз нур аст.

### Яъни:

Ўзида сувратни акс эттирувчи ойна суврат сари  
сафардан холидир.  
Негаки, унинг сувратни акс эттириши нур  
туфайлидир.

Тўртинчи рашҳа — ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН.

Хожа Баҳоуддин ҳазратларидан сўрадилар:

— Сизнинг тариқат йўлингизнинг асоси нима?

Ҳазрат жавоб бердилар:

— Хилват дар анжуман — зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан. Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг (Қуръонда): шундай одамлар борки, уларни на савдо ва на сотиқ Худони ёдлашдан чалғита олади, дегани айнан шу ҳолатга ишорадир.

Хожа Авлиёи Кабир дейдики:

— Зикрда машғуллик шу даражага етиб борадики,

бозорга кирса, юракдаги зикр ғалабасидан зокир ҳеч қандай сўз ва овозни эшитмайди.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор айтадики:

— Зикрга қаттиқ саъю ҳаракат қилиш билан беш-олти кун ичида шундай мартабага етишиш мумкинки, одамларнинг сўзлари, ҳикоялари қулоққа зикр бўлиб эшитилади. Ҳатто ўзи гапираётган сўз ҳам зикрдек туюлади, бироқ кучли ҳаракат қилмай бунга етишиб бўлмайди.

Бешинчи рашҳа — ЁДКАРД — бу зикри лисоний (тил зикри) ёки зикри қалбийдир.

Мавлоно Саъдуддин Кошғарий айтадики:

— Зикрни таълим беришнинг йўли шуки, шайх аввал тили билан: "ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲУ МУҲАММАДУР РАСУЛУЛЛОҲ", дейди. Мурид эса диққатини жамлаб, кўнглини шайхнинг кўнгли рўпарасида тутуди, кўзини очиб, оғзини маҳкам юмади, нафас олмай, эҳтиром ва кучли ички қувват билан юқоридаги зикрни айта бошлайди. Бу зикрни тили билан эмас, балки кўнгли билан айтади. Ҳисби нафас (нафас олмаслик)да чидасин ва бир нафас олмасдан уч марта Ло Илоҳа Иллоллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳни айтсин. Токи зикрнинг ҳаловати кўнглига етсин.

Олтинчи рашҳа — БОЗГАШТ — шундайки, зикрни айтувчи тили ёки дилида калимаи тоййибани айтганда: "Худовандо, менинг мақсудим сенсан", дейди. Бу бозгашт калима яхши ёки ёмон фикрларни одамдан ҳайдовчидир. У зикрни холис қилади, зикрни ўзга нафаслардан озод этади. Зикрни бошловчи бу бозгашт сўзларни айтаётган пайтда мабодо чин дилдан бўлмаётганини сезса ҳам, уни айтишни тарк этмасин, бора-бора у чинакамига айланиб таъсири зоҳир бўлади.

Еттинчи рашҳа — НИГОҲДОШТ — ҳар хил фикрлардан халос бўлиш, ташқи оламдан ажралиш учун интилиш бўлиб, калимаи тоййибани бир нафасда неча марта айтса, ўша пайтда хаёлни бошқа нарсалардан халос қилиш лозим.

Мавлоно Саъдуддин Кошғарий айтганки:

— Бир соат ёки икки соат ва ундан ҳам кўп вақт, имкони борича, ўзни ўзга хаёлу фикрлардан асрасин.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг энг яқин дўстларидан бири мавлоно Қосим: айтишларича, нигоҳдошда шундай



малака ҳосил қилибдики, кун чиқардан то чошгоҳгача кўнглини нарсаларнинг фикридан сақлай олар экан. Шунча вақт ичида хаёл қуввати ўз амалида қолар экан.

Саккизинчи рашҳа — ЁДДОШТ — шундайки, ундан мақсад Ҳақ субҳонаҳу ва таолони доимо завқу шавқ билан ёдда тутиб, огоҳ бўлишдир. Баъзилар уни ҒОЙИБ БЎЛМАЙДИГАН ҲУЗУР деган ибора билан ҳам атайдилар. Баъзи ҳақиқат аҳлининг назарида у шундай бир мушоҳададурки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло муҳаббати кўнгилни тамоман қамраб олади, бу эса ёддоштнинг ҳосил бўлишидан дарақдир.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор охириги тўрт калиманинг шарҳида қуйидагиларни айтиди. Ёдкард — зикрда қаттиқ ҳаракат қилиш, бозгашт Ҳақ субҳонаҳу ва таолога юзланиб, ҳар гал калимаи тоййиба — ЛО ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲУ МУҲАММАДУР РАСУЛУЛЛОҲНИ айтганда "Худовандо, мақсудим сенсан" дейишдир. Нигоҳдошт — тил билан айтмай, дил орқали айтиш, ёддошт — нигоҳдоштда мустаҳкам туришдир.

Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувонийнинг саккиз рашҳа — ахлоқий талабларига Хожа Баҳоуддин Нақшбанд учта кўшганлар.

1. Вуқуфи замоний — яъни, солиқ доимо ўз вақтини сарҳисоб қилиб туриши лозим. Умрининг қай қисми яхшиликка, қай қисми ёмонликка, қай қисми беҳудага сарфланаяпти — шуларни билиши зарур.

2. Вуқуфи ададий — яъни, солиқ ҳамиша зикр пайти ададга риоя қилмоғи керак. Зокир зикр вақти ададга риоя қилса, ўз хаёлини идора эта билади.

3. Вуқуфи қалбий — яъни, солиқ доимо Аллоҳ таолони зикр этиб туриш шарт, зокир қалби ҳамиша Аллоҳдан огоҳ бўлиши керак.

\* \* \*

Хожалар аҳлининг хожаси Абдуллоҳиқ Ғиждувоний 1179 йилда, 76 ёшида вафот этган. Қабри Ғиждувон шаҳрида табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади. Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний мозори онасининг оёқ томонида. Вақтийи замонида зиёратгоҳ ёнида чиллахона, шунингдек қирқ зинали нарвон ҳам бўлган. Ҳозир чиллахона, нарвон йўқ, лекин тошқудуқ бор.

Бутун дунёга машхур НАҚШБАНДИЯ тариқати хожагонликдан униб ўсан. Шу боис уламолар ул буюк зот Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийга САРҲАЛҚАИ СИЛСИЛАИ НАҚШБАНДИЯ деб таъриф берадилар.

Валийulloҳ Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийдан сўнг бу ворислик Хожа Ориф Моҳи Тобон Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Сомосий, Хожа Саййид Мир Кулол Бухорий, Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Ибн Саййид Жалолдин Нақшбанд каби ўз замонасининг машхур шайхлари томонидан даваом эттирилган. Ва бу таълимот бутун дунё халқлари ўртасида чўнг шуҳрат қозонган.

Хожа Лангар Ато ва Хожа Сўфий Чўян каби мўътабар зотлар Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг муридлари ҳисобланган. Хожа Лангар Ато қабри айна замонда ҳам зиёратгоҳдир.

\* \* \*

**ХОЖА АҲМАД САДОҚИЙ** — Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг биринчи халифаси. Асли бухоролик. Қабри Бухородан йигирма чақирим масофада жойлашган. Моғиёндадир.

**ХОЖА АВЛИЁИ КАБИР** — Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг иккинчи халифаси. Бухоролик. Қабри Буржи Айёрдадир.

**ХОЖА СУЛАЙМОН КАРМАНИЙ** — Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг учинчи халифаси. Қабри Карманда. У ўз замонасининг донишманд шайхларидан бўлган.

**ХОЖА ОРИФ АР-РЕВГАРИЙ** — Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг тўртинчи халифаси.

Ревгарий қиплоғи Бухородан 36 — 38 чақирим масофада жойлашган. Бу манзил Шофиркон шаҳридадир.

Хожа Ориф юз йилдан зиёд умр кўриб, 1259 йилда вафот этган. Қабри обод зиёратгоҳдир.

\* \* \*

Хожагонлик тариқатининг асл моҳияти Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийнинг қўйидаги мисраларида ўз аксини топган.

Эй сүфий соф, ки кунни майли самоъ,  
Ҳосил зи самоъ, чун нифоқ асту низо.  
Ё тарки самоъ кун, ки софй гардй,  
Ё он ҳаёти дили суд соз видоъ.

Мазмуни: Эй покиза сүфий, сен самоъога майл кўрсатсанг, ундан фақат нифоқ ва низо ҳосилини ола-жаксан. Ё самоъни тарк этиб, тўғри йўлни танла ёхуд кўнгили ҳаёти билан видолаш.

Инкор макун самоъу мақбул мадор,  
Илло зи касе, ки зиндадил бошад ёр,  
Гар нафси ту мурда нест, аз шуҳрату оз,  
Бо савму салот бошгу дигар бигузор.

Мазмуни: самоъни сен на инкор айла, на қабул эт, агар сен зиндадил бўлсанг, шундай йўлни танлагил. Агар шуҳрату шон талабидан нафсинг ўлмаган бўлса, мудомо намозу рўза ила машғул бўл, бошқаси бекор.

\* \* \*

НАҚЛ қилишларича, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний муридлари билан суҳбатлашиб турганда бир йигит хонақоҳга кирди. У зоҳидлар кўринишида, эғнида хирқа, кифтида жойнамоз. Бир гўшада ўлтурди. Хожа анга назар қилди. Ул йигит дедики, ҳазрат Расулуллоҳ айтқон ҳадиснинг сири недур? Хожа Абдулхолиқ айтдики, ҳадиснинг сирри будирким, хирқанг остидаги зуннорингни кесиб, иймон келтиргайсен. Ул йигит филҳол зуннорини кести ва иймон келтурди. Ва ҳазрати Хожа асҳобларига боқиб, дедиларки, эй ёронлар, келинги, андоқки зоҳир зуннорини кесиб, бу наваҳд йигит иймон келтурди. Биз ҳам ботини зунноринки иборати уҷб (манманлик, кибр) дандир қатъ (кесиб), имон келтурали, то андоқки, ул смурзида бўлди (яъни гуноҳи кечирилди), биз доғи смурзида бўлали.

Ажаб ҳолате асҳобга зоҳир бўлди. Хожанинг оёғига тушарлар эрди ва тавбаларни тоза қилурлар эрди.

НАҚЛ қилишларича, ҳажни ният қилиб узоқ юртдан йўлга чиққан бир гуруҳ дарвишлар ўз шайхлари ҳамроҳлигида Ғиждувонга келиб, Ҳазрат Абдулхолиқнинг меҳмони бўлибдилар. Ҳазратнинг кичкина ҳужраларига ҳамма сигибди, дўшпидайгина қозондаги овқат барчага

етиб ортибди. Ҳазрат Абдулҳолиқнинг суҳбатлари дарвишларга манзур бўлиб, ҳатто сафарни ҳам унутиштипти. Шайх сафарни эслатганда, Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний: "Қаъбага бораман деб риёзат чекманг. Марҳабо, мана бу нарвонга кўтарилинг! Қаъбатуллони кўрасиз ва шу ернинг ўзидан уни зиёрат этгайсиз", дебди. Дарвишлар қирқ зинали нарвонга чиқиб, Қаъбатуллони кўрибдилар. Шайх: "Бизда ҳам каромат бор!", деб Ғиждувон Қалъаси устига чиқиб, чуқ дейиши билан Қалъа бутун Ғиждувонни ҳаракатга келтириб, судрай бошлабди. Шайх: "Мен сизларни бутун шаҳрингиз билан Қаъбатуллога элтаман!", дебди. Шунда ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўз муридларидан бирига қараб: "Қалъага лангар отинг!", деб буюрибди. Лангар отилгандан сўнг, Қалъа узилиб, шаҳар таққа тўхтаб қолибди.

Лангар отилган жой ҳозир Узилди қишлоғи деб аталади. Лангар отган мурид эса кейинчалик Хожа Лангар Ато номи билан машҳур бўлган экан.

## НАҚШБАНДИЙЛАРНИНГ ХИТОБЛАРИ

"Аммо айтаётганларингиз эски гаплар," — дейдилар улар.

"Лекин қандайдир янгиликлар айтаётганингиз ҳам муқаррар," — дейдилар баъзилари.

"Буни яна бир марта такрорланг-чи," — дейдилар улар.

Ёки: "Бу гапларни такрорламай қўя қолинг энди," — дейдилар бошқалари.

"Ахир, мен буларнинг ҳаммасини илгари эшитган эдим-ку," — дейди кимдир.

Ёинки: "Қурғур бу илгари айтилгандагига ўхшамайди-да," — дейдилар қолганлари.

Халқ деганимиз ана шу, Дарвиш Бобо, одам деганимиз шу!

## НАҚШБАНДИЙЛАРНИНГ ҲИКМАТЛАРИ

**БИРБАРИЙ:** Икки қалбнинг бевосита мулоқоти — Тариқат сирларидан воқиф бўлишнинг туб воситасидир.

**ҲАМАДОНИЙ:** Инсониятга хизмат қилиш ҳаётни тугатиш учунгина фойдали эмас. Ана шу хизмат воситасида билим сақлаиб қолиши, жамланиши ва келажакка етказилиши мумкин.

**АНДОҚИЙ:** Замон, Макон, Ихвонсиз — яъни, муайян

вақт, муайян жой, муайян шахс бўлмас экан, жаҳднинг ўзи самарасиздир.

**АҲМАД СОДИҚ:** Етишган /Ҳаққа етган!/ Одамнинг белгиси шундан иборатки, у мажозийни аниқ деб ёки аён нарсани рамзий деб қабул қилмайди.

**ФАҒНАВИЙ:** Бизнинг фанимиз дунёдан эмас, дунёлардан вужудга келган.

**РЕВГАРИЙ:** Тентаклик —бу зеҳни паст кимса излаганини топишидан умидвор бўлган жойдан нималарнидир қидиришидан иборатдир. Гап шундаки, қидиралаётган нарса ҳамма ерда мавжуддир, Сиз уни топа олишга қодир бўлсангиз бас.

**РОМЕТАНИЙ:** Ахборот пароканда бўлиб қолади, билим эса ундай эмас. Ахборотнинг парокандалиги сафсатабозлик туфайлидир.

**САМОСИЙ:** Инсон кўп нарса ҳақида ўйлайди. У, мен Ягонаман, деб билади. Аслида эса у бир неча бирликларга бўлинади. Токи шу йўсинда Ягона бўлиб етишгунча, у ким эканлигини тўғри тасаввур этишга қодир бўлмайди.

**НАҚШБАНД:** Одамлар: "Йиғла," дер эканлар, "Ҳамиша йиғла," деган фикрни кўзда тутмайдилар. Улар: "Қичқирма," дер эканлар, сизнинг муттасил қичқириниш-гизни назарда тутмайдилар.

**ХОЖА АҲРОР:** Ҳар қандай ёлгон ёки хаёлотнинг орқасида унинг тимсоли бўлган қандайдир аниқ нарса ётади.

**АЛ-ЛОҲИЙ:** Биз Шарҳда ҳам яшамаймиз, Ғарбда ҳам, биз Шимолда ҳам ўқитмаймиз, Жанубда ҳам ўқитмаймиз. Бизга бундай шарт-шароитларнинг дахли йўқ, лекин шу руҳда гапиришга мажбур бўлишимиз мумкин.

**АЛ-БУҲОРИЙ:** Тариқат бир қатра сувда мужассам бўлиши мумкин. Шунингдек, у мураккаб амри маъруфда ҳам акс этса эҳтимол.

**САМАРҚАНДИЙ /АМИНИЙ/:** Ҳамонки, замон ва маконда экансан, замон ва макондан хориж бўл-да, бошқа дунёларга йўл ол. Насабимиз ўша ёқлардан бошланади.

**САРҲИНДИЙ:** Тўрт йўл ҳақида ёки етмиш икки йўл ҳақида ёхуд "Инсонларнинг руҳлари қадар кўпдан-кўп Йўллар" ҳақида гапирма. Бунинг ўрнига, Тариқат ва самара ҳақида гапир. Барча нарса шунга тобедир.

**ЖОНИ ЖОНОН:** Инсон Бақода иштирок этиши мумкин. Аммо бу зинҳор ўзини Бақо ҳақида ўйлашга қодир деб ҳисоблаши туфайлигини юз бермайди.

# ВАСИЯТНОМА

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Эй фарзандим, сенга васият қилурманки, Парвардигори оламга қаттиқ шайдо бўлғил, анинг йўл-йўриқларига итоат қилғил, бутун оламлар подшоҳи Тангри таолонинг расули Муҳаммад алайҳиссалом суннатлариға амал қилғил, буюрғон фарзларини адо этғил, ота-онанг ва тариқату шариятнинг барча шайхлариға нисбатан ўз бурчингни пок бажарғилки, Аллоҳ сендин рози бўлсин.

Аллоҳдин қўрққил, нима равшан бўлса-да, бари юрагига сизиб киради. Қиёмат қоим рўй берадигон кун фақат анга аёндир ва ул сендин хисоб сўрайдур. Аллоҳдин алланарсаларни сир тутаман, деб хомтама бўлмағил (чунки ул ҳар нарсани кўргувчидир). Аллоҳ ғазабиға учрамаслигинг учун гуноҳга ботмағил, кибр қилмағил. Фақат парвардигори оламга қаттиқ умид қилғил, андин умидингни узмағил, неки юмуш бажарсанг, анга кўз тут ва қўрқиб, умидвор бўлиб яша. Эртанги кун ризқингни ўйлама, чунки тонг отиши ила оламлар подшоҳи сенга ризқингни берадур. Аллоҳнинг тирикчилик қилишинг учун неъмат беришига ишонғил, чунки ул жамики мавжудотга кундузи таом улашишга кафолат берғон марҳаматли раҳмондур. Сенга кундузи белгилаб берилғон таом, жидду жаҳд-ла. тиришғонинг, ҳаракат қилғонинг ила барибир кўпаймас.

Қуръон ўқишини кечаю кундуз канда қилмағил, маҳбублик ўтида кўйиб, анинг маъносини ақлу мушоҳада ила англаб етғил, нола чекиб ўқиғил. Неки иш қилсанг, Қуръонга суянғил, чунки одамларни Аллоҳ (йўли)га чорлайди.

Илм ўрганмасдин туриб, ишга киришмағил. Дин йўл-йўриқларини (пужта) билишинг (риоя қилишинг) учун мудом фикҳ ва ҳадис ўрганғил.

Суннат ва тариқи жамоага мулозим бўлғил. Сеңи бул йўлдин оғдирадигон зоға ҳозир бўлмағил, ҳеч бир одамга кафал бўлмағил, ҳеч киши вас-воёсига дохил бўлмағил, ҳаргиз шухратталаблик қилмағил, ул офат келтирғусидур. Мансаб бирла бўлғил. Одамларнинг мақтовига учмағил ва аларнинг муҳокамасидин хафа бўлмағил, шундай ҳаракат қилғилки, кўз ўнгингда бирон қийматга эга бўлсин.

Намозни жамоат ила бирга ўқиғилки, имом ва муеззин бўлмағайсен.

Мансаб эгаллашға, раҳнамо бўлишға тиришма, кимки раҳбар бўлишни истаса, халоскорлик топа билмас.

Қозию ҳукмдорлар гурунгида иштирок этмағил, етим-есирларга ҳомийлик қилмағил.

Устингдин раҳбарлик қилмасликлари учун хонақоҳ бино қилмағил ва анда ўлтирмағил.

Уламоларни ҳурмат қилғил, шайхларға жонингни жабборға бериб хизмат қилғил, алардин мулкингни аямағил, аларнинг ғазабини келтирмағил, доимо эҳтиёт бўлғил.

Тариқат йўлига кириб, уламолар изидан борғил ва алардин мутассир бўлғил, магар шариатга хилоф бўлмаса, илм эгалари ва шайхларнинг таълтмотини инкор этмағил.

Самоғни кўп этмағилким, андин нифоқ пайдо бўлиб, ул вақтда самоғ дилни ўлтиради, магар сенга ани ҳис этиш салоҳияти берилмагон бўлса (самоғни асҳоби кўп туриб алар орасидан самоғга амал қилғувчи одамлар топиладур, балки аларнинг эҳтироси бўлса — яъни итоат этмаса), зикр тингламоқ гуноҳдур. Мабодо юрагинг хотиржамлик тортса, сенинг нигоҳинг (маънавий) тарқаб кетмайдур.

Қўлингдин келиб сақлансанг, хотин олмағил, чунки никоҳдин ўтсанг, толиби дунё бўласен ва талаб дунёсида динни барбод берасен, ноқис дунёга тушиб қоласен. Магар ўз эҳтиросларингда шаҳвоний нафс ғимирлаётганини сезсанг, андин ўзингни тийғил, тийилиш — бул эҳтирос музаййинидур. Хуш муомалада бўлғил. Ота-онангға, катта-кичikka миннатдорлик назари-ла боққил. Юрагинг ғамгин, тананг салқи ва қувватсиз, кўзинг ёшли, ишинг риёдин холи, кийиминг жулдур, дилинг пок, дўстларинг дарвиш, хонақонг — масжид, асосинг — эътиқод илми, зийнатинг — дунё неъматларидин тийи-лиш, ҳамсухбатинг мудом Аллоҳ бўлмоғи даркор.

Қуйидаги беш хусусиятга — дарвишликни бойлик деб билмағил, оддий ўринни фаҳрий ўрин деб билмағил, илми подонлик ҳисоблағил, ўзининг пинҳону ошкор ишларини сарҳисоб қила олмайдиғил, охиратни унутғил одамлар ила ўртоқ ва оға-ини бўлмағил.

Бас, шундай экан, фоний дунёдин боқий дунёга юз ўттирғил. Дунё ва анинг латифликлари сенга ҳийла бермасин, ахиқ дунё ёлғончи ва ноодилдир. Кимки юрагини дунёга боғласа, дунё анга боғланади, кимки дунёни инкор этса, дунё ани инкор этади. Шу боис нариги дунёга сайр қилишга киришғил фақир дарвиш мисоли бўл, дунёни дунда барқарорлик ға вафо йўқдир.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Адабий бадий нашр

**ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ**

**ВАСИЯТНОМА**

Муҳаррир *Нормўхта Қилич*  
Мусаввир *С. Уйғун*  
Расмлар муҳаррири *Уйғун Солиҳ*  
Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*  
Мусаҳҳиҳ *З. Маннопова*

ИБ № 5227

Босмахонага 15.10.93. да берилди. Босишга 21.10.93. да рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108^{1/32}$ . Биринчи нав босма қоғози. Мактаб гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма тобоғи 0,84. Нашр тобоғи 1,0. Жами 100000 нуска. Буюртма. 307. Баҳоси шартнома асосида. 120-93 рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Дилшод ҚИЛИЧнинг "Турондод" корхонаси, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1 уй.